

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ



ҲОЖИ БОБО

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Абдувоҳид ҲАЙИТ:

«БИЗ ДУНЕГА НИМА УЧУН
КЕЛГАНМИЗ?»

Йўлдош ПАРДА:

ОЛМОНЛАР ЭРТА ТУРМУШ
ҚУРМАЙДИЛАР

УШБУ СОНДА:

Рўзимбой ҲАСАН:

БОШЛИҚНИНГ БЕБОШ БОЛАСИ

Саид АҲМАД:

ҚАНДАЙ ЕЗУВЧИ ЭКАНЛИГИМНИ
БИЛАМАН



(57)39 «Оила ва жамият»

Етти кун

ҲИММАТ

Сурхондарё касаба уюшмалари кенгаши вилоят болалар жамғармаси ҳисобига 20 минг сўм ўтказди. Тўғри, нарх-наво осмонга бўйлаб бораётган ҳозирги кунда бу кўпам катта пул эмас. Лекин, ҳар ҳолда, сағир болакайларнинг бир кунига яраб қолар, деб хабар беради мухбиримиз М. Абулфайз.

«МУНИС»

Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси қошида «Мунис» болалар мактаби фаолиятини бошлади. Мактабга меъморчилик ва тасвирий санъатга ихлосманд ўқувчилар қабул қилинмоқда. Қадим Бухоро ва Самарқанд шухратини тиклайдиган истеъдодлар шу мактабдан етишиб чиқса ажабмас.

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

Олтинсой туманидаги Бодиҳаво қишлоғида кўй-эчки боқиб юрган чўпон боланинг олдига «КамАЗ» машинаси келиб тўхтади. Машинадан бир барзанги тушиб, боланинг чаккасига тўппонча тиради-да, «Овозингни чиқарма, тирранча», дея таҳдид қилди. Кутилмаган «ташриф»дан таҳликага тушган бола ўзига келганда, семиз кўйлардан бири ортилган «КамАЗ» кетиб борарди.

«СПИД—ИНФО»ГА РАҲМАТ!

Тошкент кўчалари, боғларида ити билан сайр қиладиган хонимлар сони кескин камайди. Бойси, Ўрусиянинг машҳур «СПИД—ИНФО» гезети итбоз аёллар баҳайбат итларини нега ўйларда (ҳовлида эмас!) сақлаётганлари «сирини» очиб қўйди.

ГУГУРТНИНГ ҚАДРИ

Ҳозир шаҳарлардаги кўп хонадонларда газ плитасининг ёқиб қўйилганини кўрасиз. Сабаби оддий: гугурт тежаланти, деб хабар беради мухлисимиз Ортиқбой Йўлдошев.

«СОВЧИЛАР»

Тошкентда тақдирини чет эллик жаноблар билан боғлашни истаган хонимлар учун «Совчи» оила хизмати ташкил этилди. Бу ерда 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган, хорижлик кўёв орзусидаги хонимлар ўз бахтларини синаб кўришлари мумкин. Совчилар ҳозирча, асосан, Италия ва Белгиядан келишмоқда.

ДОЛЛАР БОРМИ!

Бор. Уни бозор нархида Ташқи савдо Миллий банкидан сотиб олишингиз мумкин. Фақат... чет эл паспортингиз бўлса бас.

ЭГИЗАКЛАР СЕВСИН!

Ўзганда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди: шу ерлик йигит опа-сингил Фотима — Зухраларга ўйланди. Айтишларича, эгизаклар йигитни бирваракайига севиб қолишган экан.



Суратчи: А. ТУРАЕВ

Бир кун

ХОТАМТОЙ

Бу воқеани ҳамқишлоғим Мурод айтиб берганди:

— Унинг синфни битириб Тошкентга боргандим. Бир кунни Талабалар шаҳарчасидаги ошхонага овқатланишга кирдим. Суюқ, қуюқ овқат олиб, бўш жойга ўтириб қарасам, қошиқ олишни унутибман. Бориб қошиқ олиб қайтдим-у... озгим очилиб қолди. Бир қора танли йигит бемалол менинг суюқ овқатимни туширяпти. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин сал жадлим чиқди. Негр йигит алланарсалар деб гўлдирганча овқатланарди. Мен, бечора овқат олишга пули қолмаган бўлса керак, деб ўйладим. Мактабда, тарих дарсларида «Америкада қора танлилар жуда ночор яшашди. Лаънати оқлар уларни ўлгудай ишлатиб, эвазига арзимган чақа тўлашди»,

деган гапларни эслаб, бечорага раҳмим келиб кетди. Шунчалик оч бўлсанг, ма, қуюқ овқатниям олавер, дегим келди-ю, ўрисчани билмаслигим панд берди. Тўрт-беш сўм пул берайми, десам, бу чўнтак жонивордаям санокли пул қолган. Нойлож, мен ҳам қуюқ овқатни олиб ея бошладим. Қора танли яна нималардир деб гўлдирарди. Узича миннатдорчилик билдираётган бўлса керак, деб ўзбекчалаб ҳеч хижолат бўлма, раҳмат, деб қўйдим.

Хуллас, қора танли овқатланиб мени роса дуо қилиб чиқиб кетди. Мен ҳам кўпчилик хотамтойлигимга қойил қилиб ўтирганини сезганим учун, гердайиб ўрнимдан турдим. Юк халтамни ахтараман — йўқ! Ҳалиги очофатнинг авзони бошқача эди, овқатни текин ямлагани

етмай, буюмларимни ҳам ўғирлаб кетибди-да! Узоққа кетмаган бўлса, ўғрига етиб оларман деб ташқарига югурган эдим, орқамдан кимдир қақириб қолди:

— Ҳў, оғайни тинчликми?

— Э, яхшиликка ёмонликни кўрмайсизми! Ҳалиги негр юк халтамни ўғирлаб кетибди.

— Шошманг, манави халта сизники эмасми?

— А, а?..

Не кўз билан кўрайки, юк халтам ҳам, олган овқатларим ҳам қўйган жойимда турибди. Мен қошиқни олгач, ўзимнинг жойим қолиб, бошқа жойга ўтирган ва хотамтойлик қиламан деб, қора танли йигитнинг ризқини қийган эканман...

Анвар ЭМИН
Оққўрғон қишлоғи



Суратчи: А. САМАДОВ

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида катта тўй-томоша бўлди. «Наврўз» хайрия жамғармаси туман ҳокимлиги билан елкама-елка туриб, мазкур тўйга 300 минг сўмликдан ортиқ ўз сармоясини сарфлади. Ночор аҳволда кун кечираётган оилаларда улғайган ёшлар — йегирма икки жуфт келин-кўёвнинг ҳар бирига 21 минг сўмлик мебел, 7 минг сўмлик гилам, 3 минг сўмлик соат, уст-бош ва ҳоказолар инъом этилди. Тўй ниҳоятда чиройли ўтди.

Эзинг охириги ойи. Жазирама иссиқ. Хизмат сафардан қайтапмиз. Кун пешинга оғай дейди. Амударё бўйидаги соя-салқин гўшага бўрилдик. Яхши жой. Утган йилимиди, йўлимиз тушиб, иссиқдан қочиб, тоза чўмилгандик... Шу хотирамизга келди. Бир маз-за қилайлик. Одам икки марта дунёга келмайди-ку!

Соҳилда ўн-ўн беш туп тўронғил дарахтлари бор. Таги қумлоқ. Бундай қулай жойлар дарё бўйида санокли. Ҳам ул овга бошпана, ҳам ўзинг жон асрайсан...

Бу ерда ҳамма вақт дам олувчилар топилади. Бировлар қозон осиб овқат пишириб, уззу-кун шу ерда ҳордиқ чиқазади. Бировлар эса эл кузидан қочиб... айш-ишратга келади.

Бу гал ҳам «ёлғиз» эмасдик. Дарахтлар соясиди яп-янги «Волга» турарди. Нарироқда биров омонат кўрда кабоб пиширяпти. Сув бўйидаги буталар ортидан қизларнинг қийқиқлари эшитилади...

«Ноқулай бўлади-да... Бошқа жойга борамизми?» Ҳамроҳим саволомуз қарайди. Елка қисаман. «Майли, четроқда бир-икки чўмиламиз-кетамиз...» Машинани сояга қўйдик. Энди ечинмоқчи эдик ўрта яшар киши — кабоб пишираётган хизматчи халлослаб келди. «Нима қилмоқчисизлар? «Насиб қилса, чўмиламиз».

«Бошқа жой йўқми?». Унинг охириги гапи оғир ботди. «Йўқ!» деди Ҳамроҳим ва шимини машина ичига улоқтириб, қумлоқ соҳилга юрди...

«Бу ердан кетинглар!»
«Агар кетмасак-чи?»

«Юракни ёрдинг-ку, жўра. Мен тўп-пончанг борми, депман. «Пақ» қилиб отиб ташласанг-а. Вой-бўй, даҳшат!»

«Пахан»нинг боласи бу усул билан бизни ҳайдай олмаслигини билди. Аксига олиб, шериклари фақат қиз болалар экан... Бириси — сочлари сап-сарик ўрис қизи келиб, суҳбатга қулоқ солиб турди. «Кетдик... там! Они же нахали!»

«Не хуже вас!»
Қайсарлигимиз иш бермади. Энди насиҳатга ўтиб кўрайлик. Зеро...

«Жўра, соҳил кенг, биринчидан. Сизлар чўмилаётган жой билан орамизда юз метр масофа бор, иккинчидан. Худонинг яратган дарёсига ҳеч ким хўжайинлик қилолмайди, учинчидан. Одамга ўхшаб гаплашишни ўрган, тўртинчидан. Ақлли одам отаси билан кўрқитмайди, бешинчидан»

«Йигитнинг ишини қилмадинглар...»
У беихтиёр паст тушди, «сиз»лашга ўтди. «Енимда қизлар борлигини кўрдингизлар-ку?»

«Кўрдик. Лекин тортиб олганимиз йўқ»

«Маишатнинг белига тепдинглар-да. Барибир «пахан»га айтишга тўғри келади. Хоразмдан изларингни ўчиртирмаман. Ишонаверинглар...»

У бурилиб кетди. Бу пайтда чўмилаётган қизлар (улар уч нафар эди) бутазор ортидан «Волга» машинаси ёнига бориб олишган, бир-бирларига шивирлашар, ҳайдовчи эса ҳижолатдан кутулиш учун кўрдан бош кўтармасди.

...Биз яна сувга шўнғидик. Ёқимсиз суҳбат, кўнгилбузарликдан сўнг чўми-



УЗА сурати

Мен «қовун туширдим». Газета ва вазифамни айтиб юбордим...

Йигит қаловланди. Сўнгги марта кўрқитишдан бошқа иложи қолмаганди. «Нима ёзмоқчисизлар? «Айтиб қўй, ўзларингга ёмон бўлади. Бу сен-

лиги... қизлар ҳам оддий оилалардан эмаслиги... агар кўнглимиз хушласа, бирга маишат қилишимиз мумкинлиги... қизларга ўзи айтажаги... ақлимизга иш буюрмасак, оқибати яхши бўлмаслиги, отасининг яқин оғайниси юқори жойда ишлаётгани... Ҳаммасини эшитдик.

Вақт пешиндан оғиб кетди. Манзилга боришимиз керак. Бу тирранча билан тортишиб ўтириш энди ортиқча эди. Кетаётиб, бу воқеани албатта отасига етказиб қўйишни эслатдик...

У «Хайр, ҳали учрашамиз» деб қолди.

Бу кўнгилсиз воқеадан сўнг орадан бир ой ўтди. Биз «қаергадир» чақириларини кутдик. Бу орада ўша янги «Волга» (давлат рақами ...20 ...X3)га бир неча марта дуч келдик. Ойналари қорайтирилган ҳашаматли машинанинг орқа ўриндиғида басавлат оқ сочли киши мудраганча кетаётганини англаш мумкин эди...

Ушбуни ёзиш шартмиди? Балки... Ахир бизнинг мустақил юртимизда бошлиқлар бармоқ билан санарли даражада оз эмас. Уларнинг бевош болалари ҳам.

Рўзимбой ҲАСАН
Хоразм вилояти

БОШЛИҚНИНГ БЕБОШ БОЛАСИ

«Унда ўзларингга ёмон, хўжайиннинг ўғлининг жаҳли тез...»

«Қайси хўжайиннинг?» Шундай дедим-у, хаёлимга нимадир келиб, «Волга»га қарадим. Унинг рақамлари бошлиқлар машинасиники эди. Хоразмда бундай номер рақамлари фат ҳокимлик хизмат машиналарига берилган... Хизматкор (кейин билсак машина ҳайдовчиси) воҳа миқёсидаги катта бир бошлиқнинг исми-шарифини айтди. Индамадим. Ҳамроҳим сув ичидан туриб, чақирди: «Сув ажойиб экан. Бу ёққа кел!»

Хурсандчилигимиз узоқча чўзилмади. Соҳилда узун бўйли, мўйловдор йигит пайдо бўлди. Кўлида кабоб сихи. У бармоғи билан имлади. «Бу ёққа чиқинглар!»

Чўмилавердик. Эйтибор қилмадик. У яқинроқ келди, чақирди: «Сенларга айтаяман! Эшитмадингларми?»

Соҳилга чиқиб, қумга ёнбошладик. Ҳалиям гўё унга эйтибор бермагандекмиз. «Жаҳли тез» йигит нақ устимизга келди. «Қулоқларинг борми?» Каж табиатли Ҳамроҳим қулоқларини ушлаб кўрди. «Бор, шекилли».

«Учгача санайман, бир...»
Энди хавотир ўрнини қизиқиш олди. Майли, «уч»гача санасин. Шу пайтда кетмасак (кетмаслигимиз аниқ) нима қилиши мумкин бу зумраша? Шерикларига ишонаяптими, ё?...

«...икки, уч. Биз кетмаймиз! Тушундингми? Марш!»

«Зумраша» кўлидаги сихни жаҳл билан ерга санчди. Важоҳати ўзгарди. «Бизнинг паханни танийсизларми?»

«Йўқ! Ким у? Ҳокимми?»

«Ким бўлса-да, сенлардай юзта дўсоқни (шевада — ландовур дегани) йўқ қилишга кучи етади. Қани, яхшиликча кетинглар? Бўлмаса...»

«Ана, кетмаймиз. Хўш,— нима қилсан?»

«Паханга айтман. Машиналарининг номерини билиб олдим. Кейин кўрасизлар...»

лиш ёқмай қолди, тезроқ кетгимиз бор эди. Лекин бу зумраша бизни кўрдик, деб ўйлаган бўлса-чи? Уят. Ортимиздан хуштак чалиб қолар... «Уни қара, уни қара!» Шергим соҳилни имлади. «Суратга оляпти...»

Бояги зумраша машинамизни суратга тушириб, яна қизлар олдига кетди. Иш жиддийлашадиган кўринади. Биз соҳилга чиқдик. Шергим «суратчи йигит»ни чақирди. «Бу ёққа кел!»

У қизларга нимадир деди. Ҳаммалари хоҳолаб қулишди.

«Тоғ Муҳаммаднинг олдига келмаса, Муҳаммад тоғнинг олдига боришга мажбур».

Кўр ёнида, беш қадам нарида тўхтадик.

«Нега суратга олдинг?»

«Даказательство» керак. Отамга айтганда...»

...Базият қутилмаган томонга юз тутди. Энди нимадир қилиш керак. Ҳеч нима демай, машина олдига келдик, кийиндик. Сўнгра Ҳамроҳим — марказий матбуотда суратчи бўлиб ишлайдиган ички ишлар бўлими ходими «дашқол»ларини сумкасидан олди. Объективни «энг нозик» нуқталарга қадади. Қизлар питирлаб қолишди. Боягина машинага суяниб бизга масҳараумуз қараб турган малласоч қиз ўзини буталар орасига урди. Унинг ақалли сийнабандлари ҳам йўқ эди... «Нима қилмоқчисизлар?»

Йигит буни кутмаганди. Унинг авзои ўзгарди, аммо табиатига хос калондимоғлиги ҳамон гап оҳангидан билиниб турарди.

«Биз ҳам эсдалик учун олиб қўямиз. Ҳукумат машинаси, ичимликлар, тагин қизчалар... Улар кимлар?»

«Уйнашларим. Анови... малласочнинг отаси қаерда ишлашини биласизларми?»

«Йўқ!»

«У ...овнинг қизи». Йигит ички ишларда ишлайдиган каттаконнинг шарифини айтди. «Сизлар қаерда ишлайсизлар, ўзи?»

ларнинг сўнгги фелетонларинг бўлади...»


«Бундан уч йил муқаддам сендақа битаси шунини «ваъда қилган». Мана кўриб турибсан, соппа-соғман...»

...Биз анча суҳбатлашдик, тортишдик, айтишдик. У ҳалиям баргидан тушмаса-да, биз билан «тил топишиш» га уринарди. Қайсидир олийгоҳда ўқиётгани, отасининг ёлғиз боласлиги, унинг учун ҳеч нарсани аямаслиги ва уни хафа қилганларни кечирмас-

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу мақоланинг тайёрланганига бир ойдан ошди. Аввалида уни эълон қилмаймиз, бир бошлиқнинг боласи «шўхлик» қилса қилибди-да, бу ёқда ҳамма елиб-юзуриб шу юртни тезроқ ёруғликка чиқариш ниятида меҳнат қилаётган бўлса, бир зумраша туфайли кўпчиликнинг кайфиятини бузамизми, деб ўйладик.

Рост-да, юртимизда кўп яхши ишлар амалга оширилмоқда. Буни таҳририятимизга келаётган хатлар ҳам кўрсатиб турибди. Қанчадан-қанча одамлар янги уй-жойлар қуришмоқда, ишлаш учун имконият яхшиланмоқда. Юрт эғли, элнинг иссиқ-совуғига жавоб берадиганлар аниқ бўлсин дея ҳокимлик бошқаруви жорий этилди. Лекин, ҳокимликни «ўз чегараси»да мутлоқ ҳокимлик қилиш, деб тушунадиган юрт «катталари» ҳам борлиги афсус, рост. Ҳатто баъзи жойларда уларнинг яқин хеш-ақраболари ҳам шундай «имтиёзлар»га эга сезишади ўзларини.

Ҳокимлик бебошлик учун эмас, элнинг осойишталиги, юртнинг барқарорлиги учун берилган, унутмайлик. Айрим бошлиқларнинг бебош болалари ҳам буни билиб қўйса, ҳар қалай, ёмон бўлмас.



Суратчи: А. ТУРАЕВ

Янги рукн:

ДОНИШ ЧИРОҒИ

Биз ўқувчиларимизда маданий меросга, умуминсоний қадриятларга интилиш гоят катта эканини эътиборга олиб, газетимизда «Дониш чироғи» деб номланган янги рукн очдик. Бу рукн остида мунтазам равишда жумҳуриятимиз нашриётларида кетма-кет босилиб чиқаётган исломий китоблар ҳақида мухтар маълумот бериб бориш ниятидамыз.

«Дониш чироғи» рукнини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири Маҳмуд САЪДИЙ олиб боради.



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

Дунёда ўтган олти буюк муҳаддиснинг кўпчилиги Туронзамин фарзанди. Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн

аз-Заҳҳок ас-Сулабий ал-Бугий ат-Термизий улуғ муҳаддисларнинг учинчиси. Бу алома кўп асарлар ёзган. Бироқ бизнинг давримизда унинг «Шамоиلى Муҳаммадийя» асаригина бугунги ўзбек ўқувчисига таниш; бошқа нодир китоблари ўзбек тилида нашр қилинмаган. Мазкур асар эса, она тилимизда, Кирилл алифбосида, янглишмасам, икки марта босилиб чиқди. Биз шуларнинг бири — арабшунос олим Масъудали Ҳакимжонов нашри ҳақида қисқа маълумот бермоқчимиз.

руҳида тарбиялашга қодир табаррук китоблардандир. Унда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аъмоллари, хулқ-одоблари, юриш-туришлари оид ҳадислар жамланган. (Жамъи 326 ҳадис). Бу ҳадисларда пайғамбаримизнинг ташқи қиёфаси, юриш-туриши, оиладаги ҳаёти, яқинлари ва бошқа одамлар билан муомаласи, ибодатлари, қироатлари, одатлари, кийган либослари, ахлоқ-одоби, умуман бой ички олами содда, ҳаммабоп тарада ҳикоя қилинган. Асарни ўқир экансиз, пайғамбаримиз ҳақида

рати Абу Римса шундай дейди: «...Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, бу сенинг зарарингга жиноят қилмас ва сен анинг зарарига жиноят қилмассан, яъни Исломдан аввалги замонларда бола гуноҳига ота масъул ва ота гуноҳига бола масъул бўлур эрди. Ислом динида бу сўз йўқдур. Ҳар киши ўз гуноҳига ўзи масъул бўлур, дедилар». Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий сўзини давом эттириб яна ёзади: «Ҳазрати Абу Римса Розийллоҳу анҳу қилди, мен бу мулоқотимда кўрдимки, Жаноби

дан улуғроғи аввал ҳудого ибодатда бошқани ширк қилмоқдур. Кейин ота ва онага нофармон бўлмоқдур». Кейин Жаноб туриб ўтирдилар. Ул бир нарсага суянган ҳолда дедилар: «Елфон гувоҳлик бермак ё ёлгон сўзламақдур». Мана бу охири жумлани қайта-қайта такрор эдилар».

Пайғамбаримизнинг ҳамиша тилидаги билан дилидаги бир бўлган. Ҳаётлари ҳам жуда камтарона, оддий келган. Ул зот ҳеч қачон ўзгармаган: ҳашамга, дабадаба берилмаганлар; доимо уммат ҳақида фикр қилганлар; ҳатто Ислом таълимоти ғолиб келиб, «атроф оламнинг подшоҳларидан тўхфалар ва ҳадылар кела бошлаган» пайтларда ҳам «дунё оромини ҳаргиз хоҳламадилар». «Топган ва тутган нарсаларини муҳтож ва етимларга тарқатиб, ўзлари ва хонадонлари дунёдин пок ва беалоқа ўтдилар». Шу гапларни қайд этгандан сўнг Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий афсуснадомат билан шундай дейди: «Бизлар, умматлик дъво қилгувчи зотлар дунёга шул қадар берилиб кетдики, Аллоҳ Таоло бу ҳолимизнинг ёмон оқибатидан ўзи бизни асрасин. Омин».

Бу рост сўзлар салкам 12 асрдан кейин, бизнинг айни куларимизда ҳам гоят долзарб, замонавий янграётганини, бизни инсофга, ҳушёрликка чақираётганини айтиб ўтиришга ҳожат бормикан?..

Маҳмуд САЪДИЙ

ҚУРЪОН ҲАҚИДА ФИКРЛАР

Мен сиёсатчи ҳамкасбларимга вақти-вақти билан мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръонни ўқиб туришни маслаҳат бермоқчиман. Қуръонни карим гоят чуқур мазмуни, бой тил имкониятлари билан сўзсиз энг буюк адабий мўъжиза даражасида тура олади.

Р. АБДУЛАТИПОВ

Россия Федерацияси Олий Кенгаши миллат Совети Раиси

Ватиканда Рим папаси Иоанн

Павел Иккинчи билан учрашганимда, у менга ҳар куни Қуръонни ўқиб туришини айтди.

Аҳмад КЕФТОРИ
Сурия бош муфтиси.

Қуръоннинг бадиий нафосати жиҳатидан нақадар буюк эканлигини англаш учун унинг бир неча саҳифасини ўқиш кифоя қилади.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.
Урис маърифатпарвар адиби.
«ИРФОН»дан олинди.

ДИН БИЛАН ШАРИАТНИНГ ФАРҚИ

Ҳурматли таҳририят, дин билан шариат бир нарсами ёки улар орасида фарқ борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

А. РАҲИМОВ,
Нуробод тумани.

Оллоҳ тарафидан юборилган барча пайғамбарлар инсонларга фақат ислом динидан таълим берганлар. Бу дин — Оллоҳ таолога, унинг сифатларига, охират кунига пайғамбар йўллаганидек ишониш, Оллоҳнинг китобларини тасдиқлаб, улар равшанлаштириб берган ўша тўғри йўлдан бориш, Оллоҳнинг пайғамбарларидан бошқасига эргашмаслик ва Оллоҳни ягона билиб, ундан бошқасига ибодат қилмасликдир.

Диннинг орқасидан шариат келади. Шариат — ибодат йўллари, ҳаётини ва ижтимоий қоидалар, бандалар ораларидаги алоқа ва муомалалар, ҳаром билан ҳалолни ажратиб беришдир. Даставвал Оллоҳ таоло ҳар бир халққа шароитига қараб, пайғамбарлар

орқали ҳар хил шариатлар юборган, токи улар инсонларни умумий қонунга эргашшига тайёрлаш учун уларнинг ахлоқи, маданияти ва маърифатини алоҳида-алоҳида тарбияласинлар. Собиқ пайғамбарлар тарбияни камолга етказишга, пировардида Муҳаммад алайҳиссалом моддалари бутун дунёга, қиёмат кунигача етадиган умумий қонунини олиб келди. Демак, ҳозирги дин ўша собиқ пайғамбарлар олиб келган диннинг ўзидир. Фақат аввалги шариат бекор қилиниб, ўрнига комил бир шариат юзага келдики, ундаги ибодат йўллари, ҳаётини ва ижтимоий қоидалар, ҳалол-ҳаромни ажратиб берганлиги қиёмат кунигача ҳам ўзгармайди.

«Ислом асослари»дан

ПАЙҒАМБАР ҲАЁТИ

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Шамоиلى Муҳаммадийя» асарининг мазкур туркий таржимаси Саудия Арабистонида яшаган Саййид Маҳмуд Тарозий — Олтинхонтўра қаламига мансуб. М. Ҳакимжонов Олтинхонтўранинг араб алифбосида чиққан ана шу таржимасини ҳозирги жорий алифбозига ўргатган.

Биз чораккам бир аср давомида динимиздан мосуво бўлди, ота-боболаримизни инсонийлик йўлида тарбиялаган асарларни ўқишдан маҳрум қилиндик. «Шамоиلى Муҳаммадийя» («Меҳнат», 1991) ана шундай — бутун-бутун авлодларни эзгулик, ҳалоллик, адолат, диёнат, инсоф, умуман, одамийлик

анча ёрқин тасаввурга эга бўласиз.

Бу китобнинг фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирилса арзийди. Бироқ ҳозир ҳазм тақозо этмайди. Шу сабабли шарифлари баён этилар экан, гап орасида пайғамбаримизнинг сувратларига (ташқи қиёфаларига) доир белгилар ҳам айтиб ўтилади. Бу, шубҳасиз, тасаввуримизни бойитади.

Чунончи, ҳазрат Имом Ҳасан шундай дейди: «...Қачон юрсалар, бир баландликдин тушиб тургандек юрур эрдилар. Ва бир тарафга бурилсалар, бутун қоматлари ила бурилур эрдилар. Назарлари тубанга бўлур эрди. Осмондин кўпроқ ерга боқур эрдилар. Кўпинча кўз қирраси ила боқур эрдилар. Саҳобаларин ўзларидин илгари юргузиб орқаларидин ўзлари юрур эрдилар. Ҳар кимга йўлиқсалар, андин илгари салом берур эрдилар»; Ҳаз-

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи соҳалари қизил эрди». Шу ўринда ўқувчи диққатини бир ҳодисага қаратмоқчимиз: китобда Расулulloҳнинг ҳадиси шарифлари баён этилар экан, гап орасида пайғамбаримизнинг сувратларига (ташқи қиёфаларига) доир белгилар ҳам айтиб ўтилади. Бу, шубҳасиз, тасаввуримизни бойитади.

Китобдаги 98-ҳадисда шундай дейилади: «Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: «Эй, саҳобалар, мен сизларга катта гуноҳларнинг каттароғини айтиб берайми?». Саҳобалар дедилар: «Ори. Е. Расулulloҳ, десунлар». Жаноб дедилар: «Гуноҳларнинг ҳамма-

• МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА •

«Оила ва жамият» пуллик «Табрик», «Узаро савдо» хизматини ташкил этганидан хабарингиз бор. Биз аввалига янги «қадамимиз» билан сизларнинг дилингизни ранжитиб қўямизми, деб бироз чўчиган эдик. Йўқ, бекорга ҳадиксираган эканмиз. Энг яқин, азиз кишиларингизга дил сўзларингиз, эзгу тилакларингизни билдириш, ҳожатбардорликдек савобли иш учун сеvimли газетларингиздан жой ажратилгани айни муддао бўлганлиги ҳақида сизлардан мактублар олиб турибмиз.

«Танишув» эълонлари шу пайтгача текин чоп этилиб келди. Газетда чиққан ҳар бир танишув эълонига бир неча йўлаб мактублар оляпмиз. Биз уларнинг деярли барчасини ўз эгаларига етказиб беряпмиз. Мактубларнинг бир қисmini эълон эгалари тахририятдан олиб кетишмоқда, бир қисmini эса биз уларнинг манзилига жўнатяпмиз. Айрим эълон эгалари манзилларини аниқ кўрсатмаганликлари туфайли уларнинг номига битилган мактублар тахририят «Эълонлар» бўлимида қолиб кетмоқда. Шу боисдан тахририятга эълон жўнатаётган газетимиз мухлисларидан манзилларини аниқ кўрсатишларини сўраймиз. Яна бугундан эътиборан «Танишув» эълонлари ҳам пуллик — бир эълон 25 сўм бўлганлигини маълум қиламиз. Ҳўш, эълондаги

хоним ёки жаноб Сизнинг дилингиздаги инсон бўлиб чиқса, Сизда у билан яқинроқ танишиш, худо насиб этса тақдирингизни тақдирга қўшиш истаги туғилса, унда нима бўлади? Ҳеч ташвишга тушманг, мактубни битингу бизнинг манзилга жўнатиш (хатжилдда унинг нечанчи оилага тегишли эканлигини кўрсатиш). Фақат «Эълонлар» бўлимига почта орқали 20 сўм ўтказиб ва шу ҳақдаги квитанцияни мактубга қўшиб бизга юборишни унутманг. Ўйлаймизки, бу нарх сизга оғирлик қилмайди.

Эслатиб ўтамиз: «Табрик», «Узаро савдо» эълони эса куйидаги тартибда белгиланган. 1 босма белгининг (харф, тиниш белгиси) баҳоси бир сўм. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддатда чиқарилади.

Ун кун муҳлат ичида бериладиган эълонлар икки барава қиммат.

Эълон учун тўланадиган пулни почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли билан куйидаги манзилга жўнатиш: 700029, Тошкент — 29, Намойишлар хиёбони, 1-уй. «Оила ва жамият» тахририятига. Эълонни тушунарли қилиб ёзиб, тўланган пул квитанцияси ёки унинг нусхаси билан тахририят манзилига юборинг.

Эълон беvosита тахририятда ҳам қабул қилинади.

Дераза

ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИБ ЗУРЛАШМОҚДА

Владивостокда ёшлар ташаббуси жамгармаси раҳномалигида ишлаётган ишонч телефони ҳодимлари шаҳарда махсус секс-телефон ташкил этишни талаб қилишмоқда. Гап шундаки, кейинги пайтда бу ерга, тун оққач, муҳаббатга ташна, бегона аёлларнинг овозини тинглашга интиқ эрлар қўнғироқ қилишмоқда. «Одатда ушбу қўнғироқлар таниш ингроқ ва ҳансирашлар билан яқунланади, натижада суҳбат охирида худди зўрлангандек аҳволга тушамиз» дейишмоқда тунги қўнғироқ «қурбонлари». (С-Я)

САНЪАТ — БАҲОСИЗ

Дунёга донги кетган қўшиқчи ва кино юлдаши Мадонна қаҳвахоналарда варақланадиган албом-китоб («Секс» ёки «Эротика» номи билан) чоп этмоқда. Ундаги суратларда хоним бадани яланғочлаш санъати соҳасидаги фантазиясини намоиш этган.

Хонимнинг бу соҳадаги фантазияси миқёсини шундан ҳам билса бўладики, унинг нимяланғоч ва яланғоч ҳолдаги 44 сурати ўғирланганда уларни топши учун ФБР махсус яширин операция ўтказди. Уғри ФБРнинг махфий агентига суратларни 100 минг долларга пулламоқчи бўлганда қўлга олинди. (МҲ)

МИЛЛИОН СЎМЛИК МУЗҚАЙМОҚ

Олмаоталик 11 ва 10 ёшлик опа-ука оталарининг яшириб қўйган пулини олиб, музқаймоқхўрлик қилишмоқчи бўлди. Бироқ орзулари рўёбга чиқмади. Чунки, улар олдин қирмизи «09» да бир сайр қилмоқчи бўлишди. Гап нимадалигини фаҳмлаган хусусий таксичи уларнинг қўлидаги 1 млн. 700 минг сўмни олиб ғойиб бўлди. Бойлик ота-онага «авлодларидан қолган экан. (С-Я).

СУВ ТЕКИН

Дунё бўйича йилига 70 миллиард шиша экологик тоза сув тайёрланади. Бундай сув чиқарадиган завод СНГ мамлакатларида ҳозирча фақат Туркменистонда бор. Бир шиша тоза туркман суви СНГ мамлакатларида 60 рубдан сотиляпти — «сув текин».

Урусия мамлакатини ҳам экологик тоза сув чиқарадиган завод қуришга қирришди. Бу бежиз эмас шекилли. Мутахассисларнинг айтишича собиқ СССР ҳудудида табиий тоза сув бор бирор жой йўқ. (МҲ).



Суратчи: Рустам МАРДОН

Эълонлар

39 ЕШДА

Оиласи билан 5 йил бурун ажрашган учқўрғонлик жаноб 20 ёшдан 32 ёшгача бўлган фарзандсиз аёл ёки турмушга чиқмаган қиз бўлса танишиб, бир ўмрлик оила қурсам дейди. Уй-ҳовлиси етарли, яшаш шароити яхши, бир ўғли билан яшайди. «Оила — 107» хатларингизни кутади.

35 ЕШДА

Қашқадарё вилоятиданман. Не кўргиликки, хотиним икки фарзандимизни менга ташлаб, ўзи бошқа билан кетиб қолди. Болаларимдан меҳрини аямайдиган, яхши хулқли, вазмин, ораста, оилам дейдиган 30—35 ёшлардаги аёл билан турмуш қуриш ниятдаман. Уйли-жойлиман. Маълумотим ўрта махсус, кутубхонада ишлай-

ман. Болаларим одобли. «Оила—108» га хатларингизни йўлланг.

30 ЕШДА

Аввал уйланганман, Эллиққалъа туманида яшайман касбим-тракторчи. Ота-онам йўқ, акамлар билан тураман. Хотиним вафот этганидан буён ёлғизман. Еши ўзимга мос аёл бўлса, уйига кўчиб боришга розиман. «Оила—109» га деб ёзинг.

ТАБРИК.

Шоирахон! Сизнинг яқинда бўладиган таваллуд кўнингиз билан муборакбод этамиз. Хамиша соғ бўлинг, деб бир гуруҳ дўгонларингиз номидан Мастура.

Меҳрибон отажон! Сизни табаррук 40 ёшингиз билан тибриқлайман. Бахтимизга доимо омон бўлинг, деб ўғлингиз Алишер Шойимов.



ТАБРИК

Ҳурматли Қўлматжон ва Саодатхон! Висол айёмларингиз билан табриқлайман. Умрларингизнинг очилажак нараги бахт сўзига бой бўлсан. Яхши ният ила дўстингиз Комил Улуғ.

«СПРИНТ — МЕХРИБОНЛИК» ЛОТЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси Республика ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда «Спринт—меҳрибонлик» хайрия пулли лотерея ўйинини ўтказмоқда. Ушундан тушган маблағ биринчи навбатда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланади.

Лотереянинг баҳоси — 20 сўм, Ютуқ — 10 сўмдан 500 минг сўмгача. Уйналадиган жами ютуқ — 7 млн. 600 минг сўм.

Сиз ногиронларга ёрдам беришдек савоб ишга қиссамни қўшай, салкам миллионер бўлиш йўлида омаднинг синнаб кўрай, десангиз «Спринт — меҳрибонлик» лотереясини сотиб олинг!

(57)39 «Оила ва жамият»

Азиз муштарийлар! Сиз билан биз қутлуг кунларни бошдан кечир-ялимиз. Рабиул аввал ойи Пайгам-алайҳи васалламнинг саллоллоҳу шарифлари рақам этилган ой. Бу мусулмонлари муборак айём сифатида нишонлайдилар. Биз ҳам Сиз-бу табаррук айём билан қўтлаш баробарида Пайгамбаримизнинг исмлари зикр этилган, у киши ма-мон кечирган даврининг қутлуг шеърлари лутф қилинган туркум эътиборингизга ҳавола этаёلمиз.

Бағир оч! Бўлдинг зўр ҳикматга ноил!
Узилди кифтиндан залолат гули.
Сенда васл топди Оллоҳ Расули
Ила набийларнинг дўсти Жаброил.
Бағир оч! Бўлдинг зўр ҳикматга ноил!

Сенга — мўминларнинг меҳру саломи,
Сен ахир илк оят мезбони эрдинг.
Сен ахир ҳидоят қўрғони эрдинг
Илк бор янграганда Тангри каломи!
Сенга — мўминларнинг меҳру саломи...

Сўйла, Ҳиро ғори, ў, Ҳиро ғори!
Эй нур қўналғаси, ҳақ интизори,
Эй қутлуг ибодат, амон диёри,
Сенда совумасми эрк ихтиёри?
Сўйла, Ҳиро ғори, ў, Ҳиро ғори...



Абдул ЖАЛИЛ

ҲИРО ТОҒИДАГИ ҒОР

Нечук синоатинг бор, эй хилватгоҳ?
Недир у — сен томон етаклай бошлар?
Бутоқлар бош эгар, ёрилар тошлар;
— Ассаломалайкум, ё Расуллоҳ!
Нечук синоатинг бор, эй хилватгоҳ?

Сўйла Ҳиро ғори, ў, Ҳиро ғори!
Тоғ кўчиб, ҳарсанглар тирқираганда,
Ер кўчиб, осмонлар зирқираганда
Қулаб тушмасликнинг не бўлди кори
Сўйла, Ҳиро ғори, ў, Ҳиро ғори?

Иўқ, сенинг толеинг қулмасди чиндан
Кучоғинг тўлдириб турса ҳам тилло.
Яратган-ку сени танлаган, илло,
Хуфя эшик очиб бўлмасди сендан...
Иўқ, сенинг толеинг қулмасди чиндан.

Сахро осмонида уфурди бирдан
Атиргул ифори, райҳоннинг исси.
Дунёни қутқарди қаро тақдирдан
Рабиул аввалнинг ўн иккинчиси.

Уммонлар чайқалди, замин қалқиди,
Тушди Байтуллоҳда бутлар юзтубан.
Ҳақиқат, ҳидоят нури балқиди
Жаҳолатга чўккан тоғлар устидан.

Минг йиллик оловлар сўнди Ажамда,
Титради Бусрода қадим саройлар.
Бу чароғон саҳар, бу қутлуг дамда
Таъзим қила турди юлдузлар, ойлар.


Бу нечук нур эди? Бу нечук шарар?
Ў, хазрат Омина, муборак — зиё!
Олам иқболни йўрғақладилар
Хазрат Биби Марям, хазрат Осие².

1960 йилда Самарқанд вилояти-нинг Тайлоқ туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат дорилфунчу-нини журналистика ихтисоси бўйича битирган. Ҳозир «Ёшлик» ойномаси редакциясида хизмат қилади. «Ҳор-гин водий» шеърый мажмуасининг муаллифи. Икки фарзанднинг отаси.

Сахро осмонида уфурди бирдан
Атиргул ифори, райҳоннинг исси.
Дунёни қутқарди қаро тақдирдан
Рабиул аввалнинг ўн иккинчиси!

1. Шомдаги шаҳар.
2. Фиръавннинг хотини.

РАБИУЛ АВВАЛНИНГ ЎН ИККИНЧИСИ



Холмурод АБДУРАХ-МОН — 1969 йили Сур-хондарё вилоятининг Қум-қўрғон туманида туғилган. Айни пайтда ТошДД жур-налистика факултетининг 5-босқич толиби. «Ёлқин» мажмуасининг муаллиф-ларидан.

Не бир тонг ҳидоят инъоми балққан,
Не калом нур янглиғ кўксим ёритган.
Не бир тонг Арофот гуядай қалққан,
Паямбар манглайин юз бора ўпган.

Дариғо, меҳрингдан тиглар соп бўлган,
Руҳимга нур солган жилоланган руҳ.
Рисолат қилдингми гулларга тўлган,
Дариғо, шаффофким, кўнглимда андуҳ.

Бу телба кўнглимда улғувор таскин,
Тасбеҳдай чирсиллар тилимда бир сўз.
Ўт янглиғ ёришиб боради жисмим,
Ой янглиғ зийнатга уфурмиш бул юз.

Оҳангим, тўлғонса тиловагларим,
Зебдан тарошланган бу илоҳий жом.
Бурканиб борадир руҳингга ишқим
Кўнглимга солганинг дилимми, худом.

ВАҚТ ЧЕГАРАСИ

Нигоҳлари суяб, судрайди уни,
Оғзи ланг гўрдай ғор кутади ҳамон.
Қаролик музликдай эриб боради,
Кўнглин шимолидан жануби томон.

Сўнгсиз дунёларнинг ниҳоясидай,
Адоқсиз осмонда мусиқа оқар.
Шундайин тозақим бу мусибатлар
Кўз ёшим кимлигим аён эт, ахир,
Менинг ёшларимми бунчалар ҳам шўр...

Осмонга тиркалган пойдеворлари
Бўшлиқ кенглигида тургайми собит.
Улкан қўнғироқни эрмакка чалар
Шамол галаси-ла ҳайдалган сукут.

Кул минор, гумбазни
Чумоли тўдаси тугмишлар макон.
Йўқ. Сахро. Кўнғироқ. Шамол. Сукунат.
Вақт сенми ўша-а-а азалий ҳоқон.

Ёлғизланган ёмғир ёлғиз ҳовлида
Титраётган ёлғиз олма оғочи.
Бул ёмғир остида ёлғизлар бисёр
Бул фалак остидан кетмассан қочиб.

Кулбача меникидур, зулумот гарчи
Жоним яшагайдир лошдаин унут.
Олиб киражакман энг сўнги фасл
Ва ҳозир гўдакнинг ёшидай унут.

Баҳор ўзин тунга ҳадя этган кечада,
Овлоқ-овлоқларда кезсак адаш иккимиз.
Хаёлимдан шаффоф, шаффоф хаёл кечади,
Биз ахир яккаш руҳ, нечун иккимиз?..
Шабнамлар йиғлаган ажиб кечада
Кенгайиб кетади фалак қучоғи.

Тиззанга бош қўйсам мунаввар ҳилол,
Юзга ридо торгса, булут — бошпана.
Қўйингда кўз юмиб гулдай туш кўрсам,
Тун бизни яширган энг хилват хона.

Сенинг кўнглинг меҳр — мен ҳам парвона,
Қўйингда эрисам мен ёна-ёна...

ТЕМУРНИ

«Буюк одам — ёш бола» деб ёзган эди Мағрибнинг марғуб шоирларидан бири. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бунда сўз даҳо истеъдоднинг айрича салоҳияти, ёш болада бўлгани каби тиниқ қувваи ҳофизаси ва инжа ҳислатлари ҳақида кетаётир. Айни пайтда унинг тийнатидаги ёш боланикига монанд инжиқликлар, нозик жиҳатлар кўзда тутилмоқда, десак хато бўлмас. Дарвоқе, буюк одамларнинг ҳабиби бўлган, уларнинг бахтига шерик, дардига ошно тутинган инсонларнинг қайғусида пушаймон йўқ, ёлғизлиги ва гурбатининглигида ҳам ҳеч қачон ғариблик устивор бўлган эмас. Мен бунга халқимизнинг атоқли фарзанди, марҳум академик Иброҳим Мўминовнинг аёли — Талъат Сайдулло қизи билан қилган суҳбатимиз асносида амин бўлдим. Талъат аянинг маълуми шарифларига яқинда 77 йил тўлади. Қасблари — ўқитувчилик. Иброҳим Мўминов билан 44 йил бирга умр кечиришган. Мана, 15 йилдирки, домланинг чироқларини ёқиб, у кишидан ёдгор фарзандлари, набираларининг орзу-ҳаваси иштиёқида умргазаронлик қиладилар.

— Биз олам билан бир хонадонга келин бўлиб тушганимиз, — деб гап бошлайдилар ая. Онамларни менинг қайноғамга — домланинг тўнғич акаларига келин қилиб олишган эди. Афсуски, пешоналарига ёруғ кунлар битилмаган экан. Уруш йиллари қазо қилдилар. Поччамга бўлса, 1937 йилда «халқ душмани» тамғасини босишди. Учта фарзандлари сағир қолди. Уруш йиллари кўчада қолмасин, деб уларни ўз тарбиямизга олдик. Ўз фарзандларимиз қатори ўқимишли, кўзга кўринган одамлар бўлиб етишишида қўлимиздан келган ёрдамни аямдик...

...Дарвоқе, Талъат аянинг ўзлари ҳам онадан эрта қолган эканлар. Айтишларича, падали бузрукворлари Сайдулло Омон ўғли миллатпарвар одам, Файзулла Хўжанинг ҳаммаслакларидан бўлган. Жадидчилик ҳаракатида иштирок этганликлари ҳамда бу маърифатпарвар оқимнинг илғор ғояларини ўзларининг юксак аъмоллари деб билганликлари босидан миллат душманлари томонидан таъқиб остига олинганлар. Уларига ўт

қуйиб, ўзларини 1937 йилда ҳибсга олишган.

— Биз уч фарзанд амакиларнинг кўлида қолдик. Бир укам урушда бедарак кетди. Узим Бухоро шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртида ўқидим. Бу пайтда Иброҳим акангиз Бухоро дорилмуаллиминида таҳсил олар эдилар. Шаҳарга бирга қатнар, яқиндан таниш эдик. Уқишни битиргач, тўйимиз бўлди. 1931 йилда домлани Самарқандга ишга таклиф қилишди. 1943 йилда Фанлар Академиясини ташкил қилишдаги фаол хизматлари учун ЎзФА муҳбир аъзоллигига сайландилар. 1956 йилда Тошкентга кўчиб келдик. Домла Фанлар Академиясида хизмат қила бошладилар...

...Аянинг гувоҳлик беришларича, Иброҳим Мўминовнинг оталари Мўминжон Файзулла ўғли ўқимишли, зиёли одам бўлганлар. Волидаи муҳтарамалари Мағфиратбиби ҳам эскинадан саводли, зукко аёл эдилар. Оилада тўрт ака-ука ва бир сингил бўлиб, домла кенжа ўғил бўлган эканлар...

— У киши жуда баъмани, хушмуомала одам эдилар. Мутолаани, маъруза ўқишни яхши кўрар, аксарият вақтлари кўпёзмалар устида ишлаш билан ўтарди. Ишлари оғир бўлишига қарамай, уйга ҳамиша яхши кайфиятда, очик чеҳра билан кириб келардилар. Чарчаган пайтларида эса ҳовлимиз олдидаги боққа чи-



ланиб, замондан мосуво қилинаётган машум бир даврда «қонхўр», «босқинчи» деган «ёрликлар» қадалган шахс тўғрисида китоб ёзиш у ёқда турсин, оғиз очилиши ўзи ҳам қанча можароларга сабаб бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ, атоқли олим мустақкам эътиқоди, бутун умри давомида тутиб келган аъмолига содиқ қолди: мудроққа чулганган уйғонишимиз ибтидоида буюк аждодимиз шахсини бутун мураккаблиги ва улғуворлиги билан ҳақли равишда юксак мақомга кўтарди. Бу жасорат атоқли олимга қанчалик кулфат ва қанчалик шухрат келтирганини бугун

Саид Шермухамедов ва Акбар Аҳтамовлар ҳам оиламизнинг энг яқин дўстлари бўлиб қолишган.

...Дарвоқе, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳам Иброҳим Мўминовнинг муносиб шогирдларидан бўлган, Самарқанд Дорилфунунида ўқиб юрган кезлари домладан сабоқ олган эканлар. Устоз-шогирд муносабатлари бора-бора куде-андачилиikka айланиб кетди, икки мўътабар хонадоннинг ришталари шу тариқа чамбарчас болганди.

— Рашидовлар оиласининг тўнғич қизи Сайёраҳон Шаропова менинг кенжа

«ТИРИЛТИРГАН» ОЛИМ

қар, боғдаги гулларга сув қуйиб ўша жойдан, баҳридиллари очилиб қайтардилар. Домланинг дафн маросимлари ҳам ана шу боғда ўтказилди. Ушанда, бундан кейин фақат тўйлар бўлсин, деб ният қилган эдик...

Маълумки, Иброҳим Мўминов тўғрисида сўз кетганда улуғ бобомиз, жаҳонгир Амир Темур шахси кўз олдимизда намён бўлади. Шонли тарихимиз маконда чек-

сиз билан биз яхши биламиз.

— Уша пайтлари, адашмасам, Новоселсев ва Абдурайимовлар имзоси билан марказ матбуотида домлага қарши асосси тўхмат ва бўҳтондан иборат мақола эълон қилинди. Бироқ бундай кўнгилсизликлар бўлишига қарамай, у киши бизга ҳеч нарсадан нолиб гапирмас эдилар. Фақат бир гапни кўп такрорлардилар: «Вақт келиб, менинг айтганларим рўёбга чиқади».

...Аянинг сўзларини тинглар эканман, беихтиёр домланинг шогирдлари, филология фанлари доктори, профессор Файбулла Саломовнинг титраб-қақшаб айтган гаплари ёдимга тушади: «Мустабид тузум бағрида «кўкарган», «гуллаб-яшнаган» ғаразгўйлик, кин-ҳасад Иброҳим Мўминовдай даҳони ҳам гўрга тикди».

— Домла билан биз уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Тўнғич ўғлим билан кенжаси ядро институтиде хизмат қилишади. Уртанчаси Бухоро дорилмуаллимининг ректори. Ҳар учовлари ҳам фан доктори. У кишининг шогирдлари Файбулла Саломов,

келимим, профессор. Кимё институтиде ишлайди. Битта ўғиллари бор, врач.

...Бугун дорилнома кунлар келди, деб қувонамиз. Кўзимизга суртгудек муждани «Е, насиб...» деб Яратгандан тилар эканмиз, ўтган кунларимизга шукрона келтирамиз. Азиз инсонлар хотирасини ёдга оламиз.

— Домла, сўнги йилларда Бухоро тарихига оид материалларни тўплаб юрган эдилар. Китоб ёзаман, деган ниятлари бор эди. Афсуски, бу ишни рўёбга чиқара олмадилар».

Атоқли олимдан ёдгор шогирдлари, фарзандлари ва набираларининг камолидан таскин топиб, уларга ҳам таскин бериб яшаётган 77 ёшли Талъат аянинг тилларида ёлғиз бир лутф — шукрона...

Биз у кишига узоқ умр тилаб, салкам ярим асрлик ҳамнафаслари бўлган комил инсон Иброҳим Мўмин ўғлининг руҳларига эса Оллоҳдан раҳматлар сўрадик...

Паҳлавон СОДИҚ.

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Баходир
ЭШОНХООНОВ
Урол
УЗБЕК

Тахририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —

Тошкентдаги
«СЭВИЖ»
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоқишлар
хэбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси №465 4
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

САИД АҲМАД:

ҚАНДАЙ ЁЗУВЧИ ЭЖАНЛИГИМНИ БИЛАМАН

Адабиётшуносларимиздан бири «Саид Аҳмад қандай ёзувчи эканлигини билганида юраги ёрилиб кетарди» деган экан. Ижодкор ўз даражасини билгани маъқулми, ё!..

— Халқ қўшиқларидан бирида «э, ўзини кимлигини билмаган Асроркул» дейилади. Агар одам боласи ўзининг кимлигини билмаса, машинанинг рўлига ўхшаб қолади. Ким қаёққа бурса, ўшаққа филдираб кетаверади.

Мен қанақа ёзувчилгимни билман. Кимдан кейин, кимдан олдин, ким билан тенгман — ўзимга аён. Қўрқманг, юрагим ёрилиб кетмайди.

— Пулсизлик истеъдодни хароб қилиш мумкинми! Бу ҳақда сўрашимнинг сабаби — истаймизми, йўқми, ҳозирги воқелик адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Енгил-елпи, фахш, найранг-бозликка қўрилган асарлар, ўз ҳисобидан чиқарилаётган «китобларнинг урчиб кетаятигилми»..

— Адабиётга пулни араштираманг. Фурқатнинг гулдай Фарғонани ташлаб Еркентга кетиб қолиши пулдорлигидан эмас, муҳтожлигидан. Абдулла Қаҳҳор «ҳикоя ёзиб, пул топаман деб ўйламанг, бошқа соҳадан пул топиб, ҳикояга сарф қилинг» дерди.

Халқда «ўликлар, «тириклар ҳозир ҳолва ейишяпти» деб ўйлашармиш» деган гап бор. Кўпчилик ёзувчиларни ана шунақа ҳолваларни еб ўтиришибди, деб ўйлашди. Мутлақо бундай эмас. Битта ҳикоя энг қамада икки ойда ёзилади. Шунга газет юз сўм беради. Юз сўмга ҳозир икки

пачка сигарет келади. Ҳикоя битгунча ёзувчи йигирма пачка сигарет чекади.

Бозор иқтисодиёти биринчи бўлиб ёзувчиларнинг ризқига чанг солди. Энди қачон ўнгланамиз, бир нима дейишим қийин. Адабиётнинг обрўйи масаласига келсак, бундан ташвишлинишга асос йўқ. Ҳар бир китобхоннинг ўзи севган ёзувчи, шоири бўлади. Ушалардан умид қилади. Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов, Уткир билан Неъмат ҳеч қачон ўз ижод услубларини, маҳоратларини ўткинчи давр кўргуликларига қурбон қилиб қўймадилар.

Ўз ҳисобидан чиқазилган китобларга келсак, уларнинг аксарияти ниҳоятда ночор китоблардир. Бу «асарлар» адабиёт ҳуснига хол бўлмайди, доғ бўлади.

— Одамни йиғлатишдан кўра қулдириш қийин, дейишди. Лекин ҳажвчиларга нуқул газет-жўрналларнинг сўнги саҳифасидан жой беришди, суратларини бўлса умуман кўрмаймиз. Ғарбда аксинча, сатира усталари анча қадрли. Масалан, Русия телекўрсатувларида ҳажвчилар тез-тез чиқиб туради, Аркадий Арканов, Михаил Жванетский, Михаил Задорновлар эса унча-мунча артистлардан ҳам машҳурроқ.

— Ҳозир жиддий асардан кўра ҳажвга харидор кўп. Газетга қанча ҳажв олиб борсангиз, бир пасда ямлаб қўяди. Уқувчи қўлига газет олиши билан энг аввал ҳажвни ўқийди. Кейин жиддий нарсаларни. Ҳозирги замон одамларини йиғлатиш ҳам, қулдириш ҳам қийин. Фақат маҳоратли ёзувчигина уни

йиғлатади, қулдиради.

Ношуқурчилик қилмайлик. Ҳажв йўлига яшил чироқ ёқиб қўйилган. Биргина «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ўзининг бир саҳифасини ҳажвга бериб қўйибди. Унда босилган Неъмат Аминов, Анвар Обиджонлар ҳажвларини газетхон бир пасда ялаб қўяди. Саҳифада сурати босилмаган, ўртоқлик ҳазили чизилмаган бирорта ҳажвчи қолмаган. У ёқда «Табасум», «Телеминиатюралар...» Хуллас, ҳажвчилар худо хоҳласа, оч қолмайди.

— Саид аҳмад ака, ярағизга туз сепаётганлигим учун узр. Саид апа вафотларидан сўнг сизга қайта уйланишни маслаҳат беришганда «Саид юрган ҳовлига бегона аёлнинг қадами тегмасин» дея жавоб берган экансиз...

— Ҳали ҳам шу сўзимда турибман. Сизга битта сирни айтиш: Саидахонни ҳалигача уй дафтаридан ўчиртирмаганман. Паспортида ҳалигача бизни никоҳдан ўтказган ЗАГС идорасининг муҳри турипти. Мен дунёдан кетганимда икковимиз рўйхатдан бирга ўчириламиз, деб аҳд қилиб қўйганман.


— Зиёлиларимизнинг кўпчилиги бу йил муборак ҳаж сафарига бориб келишди. Сизнинг ҳам шундай ниятингиз борми!

— Аслида омади юришмаган одамман. Яқинда мени Ленин ордени билан мукофотлашган эди. Муни қаранг, тақиб бўлмайдиган пайтда мукофотлашди. Илгари Ленин ордени таққанларга ҳавас билан қарашарди. Мен бир мартагина байрамга тақиб чиққанимда одамлар эрмак қилиб қулишди.

Муқаддас Маккани тавоб қилиш имкони туғилганда мен қариб қолдим. Бир пайтлар Алихонтўра Соғуний билан ҳаж тўғрисида гаплашганимда, у киши: «Ҳажга бориш имкони бўлмаса, Султониимга боринг. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг қабрларини бир марта тавоб қилсангиз ярим ҳожи бўласиз», деб айтган эдилар. Уч марта Туркистонга бориб, ҳазрат Яссавийнинг қабрларини зиёрат қилдим. Ҳозир ўзимни ярим ҳожи ҳисоблаб юрибман.

— Келган одамга ош қилиб бераркансиз. Гўшт-гурруннинг нархи осмонга чиқиб кетди. Обрўйингизга «путур» етмаяптими!

— Эрмак одам ош қилишдан бошқасини билмайди. Мен ҳам угра кесиш, манти туғишни билмаганим учун осонгина палов қилиб кўя қоламан. Нарх-навонинг ошиши кичкинагина рўзгорга ортиқча таъсир қилолмайди. Боғда ош қилганимда ёлғиз емой деб, ё Эркинга, ё Асқадга сим қоқиб: «юрта икки кишилик ош берялман, дар-



ров кел» дейман. Ҳозирча ўз ошхўрларим олдида маъқем қандай бўлса, ўшандоқ турибди.

— Саид Аҳмад ҳақида юрадиган латифалардан қай бири ўзингизга маъқул!

— Мен тўғримдаги латифаларни ўзимга айтишмайди. Шум Неъмат Аминов тўқиб, тарқатиб юради. Ҳозир унинг сафига Уткир дев билан Носир сариқ қўшилган. Мен тўғримдаги ҳикоялардан Уткирнинг «Пиёз», «Беҳи» каби ҳикоячалари ўзимга маъқул. Шунинг учун ҳам унга таъна қилмадим. Лекин Уткир ҳақида тўғрисида ҳажв ёзади-ю, ўзи тўғрисида ёзишга рўйхуш бермайди. Биронтаси ёзгудек бўлса, жириллайди. Мен ҳам бир марта ёзиб, балога қолганман. Икки ҳафта қовоқ-диомоғини осилтириб юрди. Ҳажвияни йиртиб ташлаб, қутулганман. Бунга Эркин Воҳид гувоҳ.

— «Шарқ юлдузи» журналида «Бадбахтдала тугтўнлари» деб номланган романингизнинг босилиши ҳақида

эълон берилганига, адашмасам, икки йилдан ошди!

— Бу романи бошлаб қўйганимга анча бўлди. Шахсга сиғиниш даври ҳақида янги-янги ҳужжатлар топиляпти. Мамлакатни қамоқконалар давлатига айлантирганлар тўғрисида қанчадан-қанча тафсилотлар очилляпти. Давлат ҳавфсизлиги Бошқармасидаги ўта махфий ҳужжатларни ўқиш имкони туғилди. Романи қайта ишлаб ўтирмаслик учун аввал ҳужжатларни пухта ўрганиш кераклигини билдим. Хурматли ўқувчиларим шошилишмасин. Роман битганда ҳам қоғоз танглигидан ҳали-бери китоб ҳолида қўлларига тегмайди.

«Бадбахтдала тугтўнлари» ни ёзиб тугатганимча йирикроқ асарга қўл урмайман. Газетбоп, жўрналбоп ҳажвлар, ҳикоялар ёзишни давом эттирмаган.

— Ижодингизга барака берсин!

Азиз АБДУВАЛИ
сўхбатлашди


МУШТАРИЙ ҚУНҒИРОҚ ҚИЛДИ

Телефон қўнғироғи чўзиқ жиринглади. Дастакни кўтардик: «Лаббай» Нарғи тарафдан: «Алло, алло, Ташкент?» деган овоз эшитилди. «Тошкент, тошкент» дедик. «Ҳозир сизни Пахтачи билан улайман». Улайди. Бир муслима шошилиб гапирга бошлади. Гап оҳангидан телефон дастагини қўйиб қўйишмасам эди, деган ҳадик сезилиб турарди.

Ҳадиксираганича ҳам бор экан. Икки-уч кундан бери уриниб, бизга зўрга энди «тушибди». Маълум бўлдики, у кишига — газетимизнинг пахтачилик мухлиси Мавлуда Жўраевага «Оила ва жамият»нинг 31—34-сонлари етиб бормади. Почтачи тавтилга чиқиб кетганда у кишининг ёрнида ишлаган ходим ушбу сонларни «йўқотиб» қўйибди. Ҳозир шу боисдан ноёб бир нарсанин айқотгандек бир ҳолатда экан. Мавлудахон илтимос қилдики, биз зикр этилган сонларни, бир иложини қилиб, у кишига жўнатсак. У киши эса ўқиб бўлиб, барча жўнатма ҳаражатларини ўз зиммасига олиб, уларни бизга қайтарса. Муштарийга сеvimли газетига бўлган ҳурмати ва қўнғироқ қилганлиги учун миннатдорлик билдириб, ҳеч бир шартсиз «йўқолган» сонларни юборишга ваъда бердик ва уларни юбордик.

Азиз муштарий! Сиз «Оила ва жамият»ни йил давомида мунтазам ўқиб бораёсангиз, ҳеч кечикмасдан шу кунларда обуна бўлинг. Сотувдан ҳарид қилишга унча умид қилманг. Сабаби, биринчидан, газет дўконига боришга ҳар доим ҳам вақтингиз бўлавермайди. Иккинчидан, «Оила ва жамият»нинг сотувдаги нуسخаси чекланган.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 64654.



Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова қизлари Нодира билан. 60-йиллар С. МАҲҚАМОВ сурати